2006 ЙИЛ, 13 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 112 (10.669) Баҳоси эркин нархда

ОТРАСЛЕВАЯ ЛИТЕРАТУРА КУТУБХОНАСИ ЭКОНОМИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 10-12 июнь кунлари Қарши шаҳрида 2-Республика Хотин-қизлар спартакиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Барча натижалар сарҳисоб қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — «Дамас» автомобиллари спартакиадага энг яхши тайёргарлик кўрган Тошкент шаҳри, мусобақаларни юқори даражада ташкил этган Қашқадарё вилояти, хотин-қизлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилган Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларига топширилди.

● Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан хабар қилишларича, шу йилнинг 13-14 июнь кунлари Эрон пойтахти — Теҳрон шаҳрида эркаклар ўртасида кураш бўйича Паҳлавон Маҳмуд халқаро турнири бўлиб ўтади. Ушбу мусобақаларда 20 га яқин давлатдан полвонларнинг қатнашиши кутилмоқда. Мамлакатимиз шарафини турнирда олти нафар курашчи ҳимоя қилади.

● Тошкентда Марказий Осиёда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дастур ва лойиҳалар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган биринчи минтақавий учрашув бўлиб ўтди. Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Мўғулистон ва Ўзбекистондан вакиллар қатнашган ушбу тадбирда икки кун давомида лойиҳаларни татбиқ этиш йўллари муҳокама қилинди, ечимини кутаётган асосий муаммо ва масалалар белгиланди.

● Тошкентдаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида татар ва бошқирдларнинг Сабантўй байрами доирасида Татаристон ва Ўзбекистоннинг таниқли санъат усталарининг катта концерти ташкил этилди.

● Давлатимиз раҳбарининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан келиб чиққан ҳолда Сирдарё вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, наслли, зотдор қорамолларни ким ошди савдоси орқали сотиш мақсадида Сирдарё туманида аукцион-мол бозори очилди.

● Жорий йилда Оролбўйи ғаллакорлари 53 минг гектар майдондан ҳосил йиғиб олишди. Айни кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин паллага кирди. Элликқалъа туманида Қорақалпоғистон фермерлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирокида ўтган семинарда мавсумда техникадан унумли фойдаланиш, ғалла нобудгарчилигига йўл қўймаслик, ёнғиннинг олдини олиш билан бирга, ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экин экишга тайёрлашга доир вазифалар белгилаб олинди.

● Мамлакатимиз кутубхоначиларининг Жиззахда бўлиб ўтган уч кунлик кенгашида бозор иқтисодиёти шароитида кутубхоналар олдида турган долзарб вазифалар, соҳада замонавий ахборот тизимини шакллантириш, китобхонларга қулай шароитларни яратиш хусусида фикрлашилди.

ЖАҲОНДА

● Шу йилнинг 28 майида Украинанинг Феодосия портига кириб келган НАТОнинг ўқув кемалари маҳаллий аҳоли орасида норозилик кайфиятини уйғотган эди. 16 кун давом этган НАТОга қарши норозилик намойишлари «Крим НАТОсиз» шиори остида ўтди. Натижада кеча НАТОнинг 200 нафар америкалик ҳарбийлари Украина ҳудудини тарк этди.

● Кеча Россияда давлат суверенитети қабул қилинганлиги кунига бағишланган миллий байрам — Россия куни Владивостокдан тортиб то Калининградга қадар кенг нишонланди.

● Расмий Теҳрон БМТнинг беш расмий аъзоси ва Германиянинг янги таклифларига қизиқиб қолди. Бунда «олтилик» вакиллари Эронни ядровий дастурдан воз кечишга эмас, балки мамлакатда электр энергияси олиш учун сув билан ишловчи ядровий реактор қуришга чақирганди. Эрон Миллий хавфсизлик Олий Кенгаши котиби Али Ларижонийнинг айтишича, муаммоларни бартараф этишнинг энг яхши йўли дўқ эмас, балки шу каби таклифлардир.

● Маълумотларга қараганда АҚШнинг «Гуантанамо» қамоқхонасида сақланаётган уч нафар маҳбус ўз жонига қасд қилган.

● Исроилнинг Мегани шаҳри жанубида йўловчи ташиш учун мўлжалланган поезд билан юк машинаси тўқнашиб кетган. Дастлабки маълумотларга қараганда, тўқнашув натижасида 150 нафардан ортиқ фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

● Кеча Японияниг Кюсю оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллик зилзила рўй берди. Кучли ер силкиниши натижасида 8 киши турли даражадаги тан жароҳатини олган.

● Мексика кўрфази томонидан кеча Кубага ушбу мавсумда илк бор кучли Альберто тўфони кириб келди. Натижада мамлакатнинг ғарбий қисмида ўнлаб уйлар вайрон бўлди. Ҳозирда ушбу тўфон АҚШнинг Флорида штати томон ҳаракатланмоқда.

● Хитойда кечган бу йилги ёмғир мавсуми юздан зиёд одамнинг умрига зомин бўлди. Икки ҳафта мобайнида тўхтовсиз ёққан ёмғир мамлакатнинг жанубий ҳудудларига жиддий зарар етказди. Хабарларга кўра, 12 миллионга яқин одам сув тошқини ва ер кўчкилари ҳудудида яшамоқда. Хавфсиз жойларга 560 мингга яқин аҳоли эвакуация қилинган.

Ислом КАРИМОВ:

ШҲТ ҲАМКОРЛИКНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИ АРАФАСИДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ. МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ИНТЕРВЬЮСИ ХХРНИНГ МАРКАЗИЙ ССТВ-1 ТЕЛЕКАНАЛИ, ЕТАКЧИ АХБОРОТ МАҲКАМАСИ - «СИНЬХУА» АГЕНТЛИГИ, НУФУЗЛИ «ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО» ГАЗЕТАСИ, БУТУНХИТОЙ РАДИОСИ ВА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ЁРИТИЛДИ. ҚУЙИДА УШБУ ИНТЕРВЬЮ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛМОҚДА.

Савол: Ҳурматли Президент жаноблари, аввало қимматли вақтингизни аямай, биз билан учрашишга рози бўлганингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз. Ижозатингиз билан саволларга ўтсак. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига беш йил тўлди, Сиз мазкур тузилманинг бу даврдаги фаолиятини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

Жавоб: Ушбу фурсатдан ҳамда Хитойнинг энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб турганимдан фойдаланиб, мамлакатингиз ва буюк хитой халқига ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромларимни изҳор этмоқчиман.

ШҲТни таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар бундан беш йил муқаддам айнан Шанхайда, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги Хитойнинг ўзига хос тимсоли бўлган шаҳарда имзоланганида чуқур рамзий маъно бор, деб ўйлайман.

ШҲТ тузилганидан кейин ўтган 5 йил давомида ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди, ташкилот умумэътироф этилган халқаро тузилма мақомини олди, унинг аҳамияти ва таъсир кучи эса минтақа доирасидан ташқарида ҳам сезилмоқда.

Ўтган бу тарихан қисқа даврда ШҲТ нафақат ўзининг яшовчанлигини кўрсатди, балки сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликкача - барча масалаларни ўз ичига олган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини ҳал этишга қодир халқаро форум сифатида жаҳон сиёсат саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Эътиборингизни менинг назаримда ўта муҳим саналган бир жиҳатга қаратмоқчиман. Дунёдаги вазиятнинг ривожланиши ва глобал ўзгаришлар, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, «оловли нуқталар»нинг сақланиб тургани, турли минтақаларда ва, аввало, барчамизга яқин бўлган Марказий Осиё минтақасидаги мавжуд халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафик хавфи ШҲТдек халқаро ташкилотни тузиш ва шакллантириш ҳаётий зарурат эканлигини ва бу иш ўз вақтида амалга оширилганини тасдиқлайди.

Савдо-иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳам бутун ШҲТ маконида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашдан иборатдир.

Ишончим комилки, келгусида ШҲТ доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенгайиб бораверади. Ташқилотнинг Ишбилармонлик кенгаши, Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма каби янги тузилмалари самарали фаолият бошлагани шундан далолат беради. Айни пайтда янги тузилаётган Тараққиёт жамғармаси ҳам бу ишга салмоқли ҳисса қўшади.

Савол: Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлат сифатида ушбу Ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун қандай чора-тадбирлар кўрмоқда?

Жавоб: Биз ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида қарор топган ҳамкорликнинг бугунги даражасини ҳамда ташкилотнинг фаолиятини умуман юксак баҳолаймиз. Ҳозирги вақтда аъзо мамлакатлар иқтисодиётда, минтақанинг бой минерал- хомашё заҳираларини ўзлаштириш соҳасида йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятларга эга.

Биз сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришда транспорт коммуникацияларини тараққий эттириш, минтақанинг бой сув- энергетика заҳираларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлиги каби минтақадаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қила оладиган ва ҳал қилиши шарт бўлган иқтисодиёт йўналишларини ўз вақтида ривожлантириб бориш, шунингдек, мавжуд ижтимоий муаммолар устуворлик касб этиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 2-бетда.)

ХАВФСИЗЛИК ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 12 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ НИКОЛАЙ БОРДЮЖАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Учрашувимиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг Минскдаги саммити олдидан бўлиб ўтмоқда, - деди давлатимиз раҳбари. — Шу нуқтаи назардан қараганда, охирги учрашувимиздан кейин сиз кўп иш қилганингиз, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатларнинг деярли барчаси раҳбарлари билан учрашганингиз муҳимдир.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашни, бу борада ҳамкорликни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган минтақавий тузилма бўлиб, айни пайтда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан аъзо ва қўшни давлатлардаги соҳа раҳбарлари ҳамда экспертларининг фикрлари ўрганилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашга, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга доир масалаларни ҳал қилишда кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келади.

Оқсаройдаги учрашувда халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Таҳдидларнинг олдини олишда, хавф- хатарларни бартараф этишда ҳамжиҳатлик билан иш юритиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлиги истиқболлари, шунингдек, мазкур ташкилотнинг минтақа ва жаҳонда содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқадиган бугунги геосиёсий вазиятга мослашувига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

10 ИЮНЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРДИ.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг иккинчи иш куни «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошланди. Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонун хўжалик процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳамда хўжалик низолари ўз вақтида ҳал қилинишини таъминлашга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Сўзга чиқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан ўзига берилган мутлақ ваколатларни амалга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг улар раҳбарлик қилаётган идоралар фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини тинглади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқди.

Сенаторлар Бош прокурорнинг ҳисоботини батафсил муҳокама қилиш жараёнида Прокуратура органлари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш соҳасида муайян ишларни олиб бораётганлигини қайд этдилар.

2005 йилда иқтисодиётни эркинлаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилишга, шунингдек, мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотда прокуратуранинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни секинлаштириб қўядиган коррупция ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши кураш соҳасида муайян ишлар қилинди. Мана шу фаолият натижасида жиноятлар туфайли етказилган 61 миллиард сўмликдан кўпроқ моддий зарар ундирилиб, давлатга қайтарилди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин:
Инесса Евгеньевна Данилова;
Сафия Рустамовна Нуманова;
Бахтиёр Насуллоевич Сайфуллаев;
Назиржон Қўчқарович Узақов.

2. Улугбек Рабиткулович Ханназаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Юлчибой Эргашович Турсунбаев Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Вахид Вахдатович Бурханходжаев саломатлигига кўра ўз аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСРОИЛ ДАВЛАТИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фархад Ибрагимович Хакимов Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сайдакмал Сайдаҳмедович Сайдаминов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 июнь.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг тумандаги ижросига бағишлаб туман фаоллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги «Матонат» маҳалласида «кўчма оммавий спорт ўйинлари» лойиҳаси доирасида болалар жамоалари иштирокида мусобақалар уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг марказий кутубхонасида 571-мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида уюштирилган кўрик-танлов «Ўзбек миллий болалар ўйинларининг аҳамияти» деб номланди.

● **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати Бутунжаҳон донорлар кунига бағишланди.

(Ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ислом КАРИМОВ:

ШҲТ ҲАМКОРЛИКНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон террорчилик, айирмачилик ва экстремизм каби хавф- хатарларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш бўйича ташаббусларни илгари суриб, муайян чора-тадбирлар кўрмоқда. Жорий йилнинг март ойи бошида Ўзбекистон ҳудудида ШҲТ доирасидаги илк қўшма аксилтеррор машқлар ўтказилди. Юксак касбий маҳорат даражасида ўтган бу машқлар хавфсизлик органлари фаолиятининг яхши мувофиқлаштирилганини, уларнинг террорчиликка қарши биргаликда курашиш борасидаги азму шижоати ва қатъиятини намойиш этди.

Бу ўринда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Тузилма қатъият билан аниқ амалий ишларни бажаришга киришди.

Ижтимоий жабҳада биз таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Яхши биласизки, ҳар қандай мамлакатнинг тақдири ва келажаги таълим даражаси билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, ШҲТнинг бўлажак саммитида Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишини қўллаб-қувватлаймиз.

Савол: Ўзбекистон ШҲТни ривожлантириш истиқболини қандай тасаввур этади? Сиз ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Шанхайда бўлажак навбатдаги учрашувидан қандай натижалар кутмоқдасиз?

Жавоб: ШҲТ истиқболи ҳақида гапирганда, ташкилотимиз тузилганига ҳали бор-йўғи беш йил тўлганини унутмаслик лозим. Бизнингча шуниси муҳимки, ўтган бу йиллар давомида ШҲТ шаклланиб улгурди, тузилмавий жиҳатдан мустаҳкамланиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди.

Биз айни пайтда йўл бошида эканлигимизни ҳам яхши англаймиз. Ҳали иқтисодий жабҳада ҳам, хавфсизлик соҳасида ҳам, бошқа кўпдан-кўп йўналишларда ҳам талай иш қилишимиз керак. Ўзбеклар «Юрган - дарё» дейдилар.

Ҳаёт тажрибаси шундайки, йўлдошлар аҳил-иноқ бўлса, уларнинг мақсад- муддаолари муштарак бўлса, ҳар қанча узоқ йўл ҳам машаққатли туюлмайди. Босиб ўтган йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, кўп нарсаларга эришдик, деб бемалол айтиш мумкин. Асосийси — биргаликда илгари бориш учун, самарадорлик ва муваффақиятга эришиш учун мустаҳкам замин яратилди.

Бўлажак Саммитга келсак, унинг Шанхайда, ушбу ташкилот дунёга келган жойда, ШҲТнинг нуфузи ва аҳамиятини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинган ва қилинаётган Хитойда ўтишининг ўзи ғоят муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Шу вақтга қадар қўлга киритилган натижаларни баҳолаганда, қуйидагиларни қайд этиш мумкин: ташкилотнинг сиёсий нуфузи мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш ниятини билдираётган мамлакатлар сони ортмоқда. Биз буларни Шанхай ташкилотининг истиқболи порлоқ эканлигидан, бошқа мамлакатлар назарида жозибадорлигидан далолат сифатида қабул қиламиз.

Роса икки йил муқаддам, ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашувида биз Декларацияга имзо чеккан эдик. Унда савдо- иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шакл-шамойил касб этиши, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ошиши, меъёрий-ҳуқуқий асосларимизнинг уйғунлашуви, товарлар, сармоялар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун босқичма- босқич қулай шароит яратишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар мажмуи белгиланган.

Биз ўринсиз ҳаяжонлардан йироқмиз. Навбатдаги Саммит олдида турган вазифалар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг туб манфаатларига асосланган кўп қиррали ҳамкорликни қадам-бақадам ривожлантириш борасидаги мақсадларимизга мос келади. Айни пайтда олий даражадаги бу учрашувни бутун дунё диққат билан кузатишини назарда тутган ҳолда, биз унга пухта, астойдил ҳозирлик кўрдик. Шуни унутмаслик лозимки, Шанхай Саммитида минтақанинг халқаро майдонда кечаётган сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларда тобора муҳим ўрин тутаётган қатор давлатлари раҳбарлари учрашадилар.

Шу муносабат билан геосиёсий жараёнлар шиддат билан ривожланаётган, иқтисодиёт ва ахборот соҳалари глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда ШҲТ механизмларини ҳамкорликнинг янада юқори даражасига мос поғонага кўтариш табиий вазифа эканини таъкидламоқчиман. Бу — давр талаби. Юбилей Саммити, бизнингча, янги очилаётган имкониятлардан биргаликда янада унумли фойдаланиш, ҳозирги замон таҳдид ва хавф-хатарларига қарши биргаликда янада самарали курашиш жараёнига асос солади

Савол: Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган. Ундаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик мазкур минтақа ҳаётида катта аҳамиятга эга. Сизнинг мавжуд вазият борасидаги нуқтаи назарингизни билмоқчи эдик.

Жавоб: Ўзбекистон, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёнинг юраги саналади, у минтақадаги беш мамлакатнинг барчаси билан, шу жумладан, сўнгги ўттиз йил давомида уруш домидан чиқа олмаётган Афғонистон билан ҳам чегарадош. Мамлакатимизнинг нафақат жуғрофий жойлашуви, балки унинг улкан инсон ресурслари, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳияти, цивилизация тарихидаги ўрни, табиий заҳираларга бойлиги ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг 1991 йилда, тариҳан анчайин мураккаб бир даврда мустақилликка эришганини эслатиб ўтмоқчиман. Ўшанда Афғонистонда узоқ йиллик қуролли тўқнашувлар давом этаётган, бутун минтақада сиёсий вазият қай тарзда ривожланиши мавҳум бўлиб турган, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ниҳоятда оғир, иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари амалда таназзулга учраган эди. Бундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, Ўзбекистонда ва бутун минтақада миллатлар ва фуқароларо тотувликни сақлаб қолиш жуда муҳим эди.

Жамиятни, унинг иқтисодий асосини ислоҳ қилиш жараёнида давлатимиз сиёсати ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Ўзбекистонда ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик асосида амалга оширилмоқда. Уларни жорий этишда муайян тарихий шарт-шароит ва бу ерда яшовчи одамларнинг менталитети инобатга олинди. Уларни ижтимоий қўллаб- қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга, биз мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлашга, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратдик. Халқимиз буларнинг барчасини қўллаб-қувватлади ва пировардида саъй-ҳаракатларимиз минтақа миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Минтақавий хавфсизликнинг узвийлигини, Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг тарихий тақдири муштарак эканлигини инобатга олган ҳолда, биз, қўшниларимиз билан биргаликда, минтақа мамлакатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароит яратиш бўйича узоқни кўзловчи саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдамиз. Ўзбекистоннинг интеграция жараёнларини ривожлантириш борасидаги кўплаб таклифлари шунга қаратилган. Минтақавий бирлашмалар ва халқаро ташкилотларнинг фаолияти шунга қаратилган. Улар орасида мамлакатларимизнинг қарийб барча соҳалардаги алоқаларини ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти тобора ортмоқда.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар минтақа мамлакатларига кимларнинг ҳақиқий дўстлигини кўрсатди, кўзбўямачиларнинг эса асл қиёфасини очиб берди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг қардош халқлари каби Ўзбекистон халқи ҳам ўз уйида, қўшнисининг уйида тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг нечоғли муҳим эканлигини яхши англайди. Ўз тақдиримизни ўзимиз мустақил белгилаш ҳуқуқи учун, барқарор, ривожланаётган ва гуллаб-яшнаётган минтақада ўз келажагимизни барпо этиш ҳуқуқи учун курашда саъй- ҳаракатларимизни самарали бирлаштира олишимизнинг кафолати мана шундадир.

Савол: Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва ҳамкорликнинг истиқболини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

Жавоб: Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, сўнгги бир неча йил ичида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳамкорликнинг қарийб барча йўналишлари бўйича салмоқли ютуқларга эришилди.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар мунтазам давом этмоқда. Бу учрашувлар ўзаро ишончли сиёсий мулоқотни, Ўзбекистон ва Хитой халқларининг очиқлик, ишонч, ўзаро англашув ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига таяниб, янада мустаҳкам алоқаларни қарор топтиришга муштарак интилишлари асосига қурилган манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хитой тимсолида мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бизни қўллаб-қувватлаб келаётган ишончли, буюк қўшни ва ҳамкорни кўради.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона алоқаларнинг изчил ривожланишида ХХР Раиси Ху Цзинтаонинг катта хизмати бор. Биз уни ишончли дўст, ўз мамлакатини фаровонлик йўлидан бошқариб бораётган доно ва узоқни кўрувчи раҳбар деб биламиз.

Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартноманинг имзолангани икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Биз, мазкур ҳужжат алоқаларимизда салмоқли ўзгаришлар ясаш ва ҳамкорликни узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб қатъий ишонамиз.

Ўзбекистон ва Хитой террорчилик, айирмачилик ва диний экстремизм балосини бевосита бошидан ўтказган мамлакатлар сифатида минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳамфикрдир. Биз мамлакатларимизга демократлаштириш ва жамиятни ривожлантириш йўлларининг ғарбча андозаларини четдан туриб тиқиштиришга оид уринишларга қарши қатъий курашиш борасида ҳам ҳамфикрмиз.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил, юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, 2000 йилга қиёсан олганда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми беш баробардан кўпроқ ортди ва ўтган йили, биздаги маълумотларга кўра, қарийб ярим миллиард АҚШ долларига етди.

Шу билан бирга, биз қатъий аминмизки, икки мамлакатда ҳам савдо- иқтисодий ва молиявий-сармоявий ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун ишга солинмаган катта имконият ва улкан салоҳият мавжуд.

Мамлакатимиз хитойлик шерикларнинг сармояси ва илғор технологияларини жалб этишдан манфаатдор. Ўзбекистон Хитойнинг бу мамлакат дунёда етакчилик қилаётган соҳаларидаги, масалан, телекоммуникация соҳаси, компьютер ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, маиший техника, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноатидаги тажрибасига қизиқиш билан қарайди.

Биз Хитой компанияларининг молиявий ва технологик имкониятлари кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз ва улар билан ҳамкорликда мамлакатимизда нафақат ички бозор, балки экспортга, учинчи мамлакатларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар тузишга тайёрмиз.

Назаримда, ҳозирги кунда умумий вазифамиз савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришнинг йўл ва имкониятларини топишдан иборат.

Фан, техника, таълим, маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжуд. Бу йўналишлардаги алоқаларни фаоллаштириш учун икки мамлакат ўртасида ахборот алмашувини кучайтириш зарур. Ҳали-ҳануз Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти, ҳамкорлик имкониятлари, маданияти ва тарихи тўғрисидаги ахборотлар етишмаслиги сир эмас.

Ўзаро хабардорлик ва бир-бирининг маданий-тарихий меросига ҳурмат халқларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ва уларнинг яқинлашувига хизмат қилиши, шериклик муносабатларининг ижтимоий асосини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Савол: Тошкентда расман 2004 йилнинг июнида очилган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси бугун ШҲТнинг икки доимий ишловчи органидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда бу тузилманинг ўрни қандай?

Жавоб: ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таъсис этилганидан буён ўтган икки йил унинг долзарблиги ва ўз вақтида ташкил этилганини кўрсатди. Бугун ШҲТ маконида хавфсизликни таъминлаш масалаларида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизими мутахассислари амалий ҳамкорлигининг платформаси ва воситаси сифатида унинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мазкур тузилманинг вазифалари фақат террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш билан чекланмайди. Одамларнинг онгини заҳарлаб, ёшларни йўлдан оздириб, улардан террорчилик ҳаракатларининг сўқир ижрочиларини тайёрлайдиган «конвейер» яратувчи кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг қабиҳ ниятли мафкуравий ишларига қарши курашиш ҳам унинг вазифасидир.

Минтақавий аксилтеррор тузилма ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган эсада, унинг фаолиятида амалий ишлар кучаяётгани кузатилмоқда. Террорчилик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг фаолиятига дахлдор шахслар бўйича ягона маълумотлар банкини шакллантириш ишлари якунига етмоқда.

Ушбу тузилма ишида ахборот-таҳлил билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштиришга, нафақат бевосита террорчиликка қарши кураш, балки унинг эҳтимол тутилган кўринишларининг олдини олиш бўйича ҳам тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилаётгани мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, бу тўғри ёндашувдир.

Мухтасар айтганда, бугун Минтақавий аксилтеррор тузилма «уч ёвуз куч» — террорчилик, айирмачилик, экстремизмга қатъий ва изчил қарши туришга қодир бўлган тузилмага, XXI асрнинг таҳдид ва хавф-хатарларини бартараф этиш йўлидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг амалий ва самарадор механизмига айланиб бормоқда.

Аминманки, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўз навбатида, ШҲТ доирасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимиз фаровонлиги йўлида мавжуд улкан иқтисодий ва инсоний салоҳиятни тўла-тўкис ва янада самарали ишга солиш учун мустаҳкам замин яратади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўқувчиларингиз, томошабинларингиз ва тингловчиларингизга ҳамда бутун хитой халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР, АЙНИҚСА, СИЛНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ИЛҒОР УСУЛЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТИР.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтида соҳада эришилган ютуқ ва муаммоларга бағишланган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда сўз юритилди.

— Юртимизда тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда силга қарши курашнинг энг самарали услублари ҳаётга татбиқ этилаётгани ўз самарасини бераётир, —деди Фтизиатрия ва пульмонология илмий- текшириш институти фтизиоортопедия бўлими раҳбари, профессор Пиримқул Назиров ЎзА мухбирига. — Бу борада илм-фан эришаётган ютуқларни амалиётга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Институтимиз олимлари ўпка сили билан бирга суяк- бўғим, лимфа тугунлари ва урологик аъзолардаги ана шундай хасталикларни даволашнинг ҳам қўплаб янги технологияларини ишлаб чиқмоқда. Термография, эхоостеометрия, молекуляр спектроскопия сингари янги ташхис қўйиш усуллари, радикал қайта тиклаш жарроҳлик муолажалари бунга мисол бўла олади. Ушбу даволаш амалиётини бажаришда замонавий тиббий асбоб-ускуналардан кенг фойдаланиляпти.

Анжуманда сил касаллигининг олдини олиш, аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитациясига оид янгича ёндашувлар, нафас йўллари ва сурункали ўпка касалликларини даволашнинг замонавий технологияларига бағишланган маърузалар тингланди. Уларни даволашда қўлланилаётган янги дори-дармонлар ва тиббий технологиялар кўргазмаси намойиш этилди.

Инсон ва табиат

ЯШИЛ БОЙЛИГИМИЗ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА БМТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ /ФАО/ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДА ОЛИМЛАР, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ, ЎРМОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ҚЎРИҚХОНАЛАР, МИЛЛИЙ БОҒЛАР ВА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ АСРАШГА ОИД ТУЗИЛМАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ҲУҚУҚШУНОСЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ҲАМДА ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимизда экологик муҳаффолиқни таъминлаш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ижтимоий-иқтисодий жабҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир. Бу борада тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Икки кун давом этган анжуманда ўсимликлар генетик ресурсларини асраб- авайлаш борасидаги жаҳон тажрибаси, мамлакатимизда табиатни муҳофазалаш, ўрмонзорларни кенгайтириш, биологик хилма-хилликни асраш каби мавзуларга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ҲАЛҚАРО ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОПЕРА САНЪАТИНИНГ ЁШ ИЖРОЧИЛАРИ СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ИСТЕЪДОДЛИ ҚЎШИҚЧИ АБДУМАЛИК АБДУҚАЮМОВ ҲАМ УМИДЛИ САНЪАТКОР СИФАТИДА ЯХШИ ТАНИЛИБ ҚОЛДИ.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг солисти сифатида у қатор янги арияларни ижро этмоқда. Владикавказ шаҳрида ўтказилган ёш опера хонандалари халқаро танловида ҳам у ижрочилик маҳоратини муваффақиятли намойиш этди.

Кейинги уч йил ичида А.Абдуқаюмов бешта халқаро мусиқа танловларида қатнашди. Ҳар сафар ҳам у совринли ўринларни қўлга киритди. Шу йили Санкт-Петербургда уюштирилган ижодий кўрикдан ҳам у ёруғ юз билан қайтди.

Акбар АЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сенаторлар ўз чиқишларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш, тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ижро этилишини таъминлаш прокуратура фаолиятининг самарадорлигини оширишда устувор йўналиш эканлигини таъкидладилар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тинглаб, сенаторлар бу идора атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширганлигини кўрсатиб ўтдилар. Вазирликлар, идораларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилмоқда, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат назорати олиб борилмоқда.

Атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш 2004 йилдагига қараганда 12 минг тоннага, тозаланмаган оқава сувларни очиқ сув ҳавзаларига чиқариб ташлаш 4 миллион куб метрга қисқартирилган, қуввати суткасига 225 куб метр бўлган айланма сув таъминоти тизимлари фойдаланишга топширилган, 6,8 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланган.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятидаги қатор камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, Навоий, Ангрен, Чирчиқ, Фарғона, Андижон ва Қўқон шаҳарларида ифлослантирувчи моддаларнинг айрим ингредиентлари бўйича ифлосланиш даражаси санитария-гигиена нормалари даражасигача камайишига эришиш учун етарли чоралар кўрилмаётганлиги, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самараси етарли даражада эмаслиги қайд этилди. Сенаторлар табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда қонунсиз равишда дарахт кесиш, балиқ тутиш, ов қилиш билан боғлиқ тартиббузарликларнинг олдини олишни назорат қилишни кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Сенат ифлослантириш манбаларини ва атроф табиий муҳитнинг ҳолатини мониторинг қилиш тизимини яхшилашни ва шу мақсадда Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат ахборот-таҳлил марказини ташкил этишни тавсия қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи юзасидан сўзга чиққан сенаторлар ҳисобот даврида Марказий банк томонидан қаттиқ пул-кредит сиёсатини таъминлашга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, инфляция даражаси паст бўлишини таъминлашга, пул бозорининг ривожланиши ва эркинлашувини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтдилар. 2005 йил якунлари бўйича инфляция кўрсаткичи 7,8 фоиздан ошмади, экспортнинг ҳамда савдо балансида мусбат салдонинг ўсиши республиканинг олтин-валюта заҳиралари 35 фоиз кўпайишига олиб келди.

Шу билан бир қаторда, муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, микрокредитлар бериш, микролизинг хизматларини кўрсатиш механизмини такомиллаштиришга етарли эътибор бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Марказий банкка нақд пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини қисқартириш, бўш турган маблағларни тижорат банкларидаги депозитларга жалб этиш ҳамда пластик карточкалардан фойдаланиб, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2005 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи юзасидан парламент юқори палатасининг аъзолари бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг шакллантирилишини, қилинган харажатларнинг асослилиги ва самадорлигини ўрганиш минтақалар бўйича, солиқлар, бюджет олдидаги қарз турлари, ортиқча тўланган солиқлар бўйича статистика маълумотлари, шунингдек, йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботлари асосида солиқлар ва мажбурий тўловларнинг йиғилишини мунтазам таҳлил қилиш соҳасида Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилаётган ишнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Бу йўналишда амалга оширилаётган иш иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатда молия ва бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш жараёнида юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилот раҳбарлари сенаторларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлати ҳамда Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини тайинладилар.

Мажлисда Сенат ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида мамлакатда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йигирмата масала, шу жумладан ўн битта қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Маҳалланг — ота-онанг

ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

ҲАСАНБОЙ ДАҲАСИ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН МАСКАН. КУН САЙИН ЧИРОЙ ОЧИБ ОБОД БЎЛИБ БОРАЁТГАН, ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ШАРҚ ҲАҚИҚАТИ» МАҲАЛЛАСИ ЭСА ҲАСАНБОЙ ДАҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, МАҲАЛЛАДОШЛАРНИНГ АҲИЛ, ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШИ БИЛАН БОШҚА МАҲАЛЛАЛАРДАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.



Кейинги йилларда маҳаллада ободончилик, қурилиш каби қатор соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, маҳаллага кириш дарвозаси бўлмиш арка замонавий услубда янгиланди, «Қаллиқ ота» қабристони дарвозаси ҳам миллий ўймакорлик услубида нақшлар билан безатилган дарвоза билан алмаштирилди. Энг эътиборлиси эса замон андозалари даражасидаги маҳалла гузари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эса маҳаллада пазандачилик, чеварлик курслари очилиб, ушбу тўгаракларда ўз касбининг усталари бўлган Машкура Нуриддинова ва Шоира Нуриддинова каби устозлар бор билим-кўникмаларини ёшларга ўргатиб, хотин-қизларнинг ҳунар эгаллашларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Радио-телевизор тузатадиган устахона ҳам мунтазам ишлаб турибди. Унга қўли гул уста Музаффар Зиёев бошчилик қилади.

Юқорида айтиб ўтилган ҳар бир хайрли иш бошида маҳалла оқсоқоли Шавкат Исрисметов туради. Албатта оқсоқолнинг тиришқоқлиги, тадбиркорлиги, одамлар кўнглига йўл топа олиши, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаши сабаб ушбу маҳаллада ҳамма ишлар рисоладагидек кетяпти, уруш-жанжал, тушунмовчиликларга йўл қўйилмайди.

Куни кеча ушбу маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида фуқаролар оқсоқолнинг ҳисоботини эшитиб уни қониқарли деб топдилар. Йиғилишда маҳаллада юқорида таъкидлаб ўтилган ибратли ишлар амалга оширилганлиги, ҳудуднинг тинч-осойишта эканлиги қайд этилди. Муҳокамаларда сўзга чиққанлар ҳам Шавкат Исрисметовнинг ижобий фазилатлари ҳақида гапириб яна бир муддатга оқсоқол этиб сайлашга қарор қилдилар.

Шундай қилиб оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари халқ орасида эркин, ошкора тарзда очиқ овоз бериш йўли билан қайта сайланди. Янги иш режалари, хайрли ташаббус, беминнат кўмак, савобли амаллар ҳақида фикрлашиш учун оқсоқол ёнидан жой олган маҳалладошларга келгусида ўйлаган барча ниятлари амалга ошишига тилак билдириб қоламиз.

Ўлмас НОРМАТОВ

СУРАТДА: «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи ҳаётидан лавҳа.

***

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ХАЛҚНИ ЭЗГУЛИККА, БИРДАМЛИККА, ЎЗАРО ИШОНЧГА ЧОРЛАЙДИГАН ТИЗИМ СИФАТИДА ЭЪТИБОР ҚОЗОНДИ. ШУ МАЪНОДА ЯКУНЛАНИБ БОРАЁТГАН МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛ) НИ САЙЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ЙИҒИНЛАРДА ТАЪКИДЛАБ ЎТГАН ФИКРЛАРИМИЗ ЎЗ ИЖОБАТИНИ ТОПАЁТИР.

АЙТИШ МУМКИНКИ, БУНДАЙ ЭЗГУ ҚАДАМЛАР ЭЪТИРОФИ ШАҲРИМИЗДАГИ «ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ҲИСОБОТ САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИДА ЯНА БИР БОР КЎЗГА ТАШЛАНДИ.

Бугунги кунда маҳаллада 28 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 5475 нафар аҳоли истиқомат қилади. 26 нафар ўй бошқарувчиси, 173 нафар йўлакбошилар аҳолининг тинчлигини сақлаш борасида самарали фаолият кўрсатяпти. Халқ хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида тумандаги 122-ўрта умумтаълим мактабининг мажлислар залига ташриф буюрган 50 нафар маҳалла фаоллари сайлов жараёнидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу вақтга қадар маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасида фаолият юритиб келган Саидориф Пўлатовнинг ҳисоботида таъкидланганидек, ўтган йиллар мобайнида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, кўчалар ва қабристонларни ободонлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда аҳоли турар жойларини таъмирлаш борасида комплекс тадбирлар амалга оширилган. Жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» сифатида эътироф этилганлиги ҳисобга олиниб аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган режалар амалиётда қўлланмоқда.

Муҳокама учун сўзга чиқувчилар қарийб 18 йилдан бери маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сифатида фаолият юритиб келган Саидориф Пўлатовнинг мазмунли фаолияти, маҳалла ишларини йўлга қўйиш борасидаги жонкуярликлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Унга миннатдорчилик билдирдилар.

Шундан сўнг асосий масалага эътибор қаратилди— номзодлари кўрсатилган Орифжон Жумаев ва Аҳаджон Раҳимовларнинг сайловолди дастурлари билан танишилди.

Ниҳоят, очиқ овоз бериш йўли билан Аҳаджон Раҳимовга маҳаллага етакчилик қилишдек масъулиятли вазифа ишониб топширилди. Халқ вакиллари бундан ташқари маҳалла маслаҳатчилари, котиб ва бошқа фаолларни ҳам очиқ овоз бериш йўли билан сайлаб олдилар.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Ислоҳотлар оқимида

ИПОТЕКА БАНК ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

IPOTEKA BANK

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ШУ ОРҚАЛИ МАЙДА ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, ЯЪНИ МАЙДА МУЛКДОРЛАР СИНФИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШГА ҚАРАТИЛМОҚДА. ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА БУ СОҲАДА КЎПГИНА ИШЛАР БАЖАРИЛИБ МУАЙЯН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ.



Аммо мамлакат иқтисодиётини янада юқори даражага кўтариш ҳамда ички бозорни етарли миқдорда ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли товарлар билан тўлдириш вазифаси тизимда янада кўпроқ ишларни рўёбга чиқаришни талаб этмоқда.

Шу боис республикамиз ҳукумати томонидан мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини кескин ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, умуман, миллий фаровонликни таъминлашдаги асосий «бўғин»ни шакллантириш — муҳим йўналиш этиб белгиланди. Бу борада, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, йирик ишлаб чиқариш объектларига қараганда кам сармоя талаб қиладиган ва турли ўзгаришларга тезда мослаша оладиган кичик ҳамда хусусий бизнес субъектлари ишлаб чиқаришни модернизациялашни, маҳсулот турларини янгилашни таъминлайди, шу билан бирга, бозор конъюктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлар шароитига тез мослашади.

Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун бугунги кунда республикамиз ҳукумати томонидан қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган, дейишга тўла асос бор. Кичик бизнес ҳамда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши билан бирга, уларнинг жадал суръатларда ривожланиши учун ҳам иқтисодий ва ҳуқуқий база мавжуд. Бу эса, Ипотека банк акциядорлик тижорат кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилган ҳолда берилаётган кредитларининг салмоғини оширишга катта имкониятлар бермоқда.



Ҳозирги кунда банкнинг асосий стратегик мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиш ҳамда шу орқали республикамиз иқтисодиётида ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир. 2006 йилнинг 1 чораги мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда банк хизматларининг тезкорлигини таъминлаш учун қўшимча 10 га яқин мини банклар очилди. Айни кунларда эса банкнинг республикамиз ҳудудида жойлашган 38 филиали ва 143 та мини банк орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Ипотека банк банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришда, авваламбор, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари тайёрлашни кўпайтиришга ҳамда шу орқали янги иш ўринларини барпо қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича меъёрий ҳужжатлари Ипотека Банк сиёсати талаблари асосида кичик бизнес ва тадбиркорлик субектларига кредитлар ажратилмоқда. Бунда табиийки, ажратиладиган кредитлар муддати ундан фойдаланиш мақсадига мослаштирилган ҳолда белгиланмоқда.

Ипотека Банк банки филиаллари томонидан бугунги кунда ажратилаётган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар ва улар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар сотиб олишга, маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2006 йилнинг 1 чораги давомида банк томонидан реал иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажмининг йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 3,6 миллиард сўм ёки 2,6 фоиз ўсишига эришилди. Умумий кредит қўйилмалари ҳажми эса 137,4 миллиард сўмга етказилди.

Кредит қўйилмаларининг 38,3 миллард сўми ёки 27,9 фоизи қисқа муддатли кредитларни, 86,7 миллиард сўми ёки 63,1 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади.

Банк кредит сиёсатида иқтисодиётнинг реал секторини маблағ билан таъминлаш, инвестиция жараёнларини янада тезлаштириш, яъни бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш миқдорини кўпайтириш белгиланган. Биринчи чорак давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига миллий валютада жами 9,8 миллиард сўм, шу жумладан, банк ўз маблағлари ҳисобидан 9,5 миллиард сўм ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан 310,8 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, жорий йил бошидан бери берилган кредитлар орқали 1460 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

2006 йилнинг 1 чорагида банк томонидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 3 343 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йил шу даврга нисбатан 716 миллион сўмга ёки 127 фоиз ошган. Жумладан, пахта хом-ашёси етиштириш учун 2 604 миллион сўм ва ғалла етиштириш учун 739 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Фаолият юритаётган филиаллар ва минибанкларда жами 12800 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Шулардан, 2730 таси фермер хўжаликларидир.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг моддий техника базасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада республикамизда ушбу соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ипотека Банк» Жаҳон Банки ва Осиё Тараққиёт Банкларининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» ҳамда «Дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш» лойиҳалари доирасида ушбу банкларнинг кредит линияларини ўзлаштириш бўйича иштирок этмоқда. Лойиҳалар доирасида Ипотека-банк Осиё тараққиёт банкининг 3,1 миллион АҚШ долларлик ҳамда Жаҳон банкининг 300,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағларни ўзлаштирмоқда.

Айни чоғда Ипотека Банк банкининг лизинг портфели 3,0 миллиард сўмга етди. Лизинг орқали молиялаштирилган 420,9 миллион сўмлик маблағ қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини ривожлантириш мақсадида Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган тракторлар, культиваторлар ҳамда сеялкалар сотиб олишга, қарийб 1,5 миллиард сўм миқдоридаги маблағ хорижда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтирилди.

Тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштирокини рағбатлантиришга оид ҳукумат қарорларига асосланиб, шунингдек, банк жорий йилнинг олти ойи давомида турли молиялаш манбаларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш, маиший хизмат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга 1154,3 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Микрокредитлар қолдиғи эса 2,6 миллиард сўмни ташкил қилди.

Фақат шугина эмас. Жорий йилнинг 1 чораги давомида банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хорижий валютада 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар берди. Хорижий валютада ажратилган кредитлар қолдиғи эса 43,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Халқаро молия институтлари ва чет эл банклари билан ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар ҳам ўз натижасини бермоқда.

Ипотека Банк акциядорлик тижорат банки бундан буён ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш ва кредит маблағлар ҳажмини ошириш бўйича ишларни давом эттираверади.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИК

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИДА «СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲОТИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛЛИГИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР» МАВЗУИДА АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш, солиқ-бюджет сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтиришдек аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсат амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

2005 йилда юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солиқ ставкаси 18 фоиздан 15 фоизга туширилди, бу эса қарийб 40 миллиард сўмлик маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини берди. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 31 фоизгача қисқартирилди, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ўзгартирилди, мулк солиғи ставкаси эса 3,5 фоизгача камайтирилди.

Амалда жами 15,2 фоизни ташкил этган солиқ ва тўловлар ўрнига 13 фоиз миқдоридаги ягона солиқ тўловининг жорий этилиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда айниқса кичик корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу кичик корхоналарда фақат 2005 йилнинг иккинчи ярмида қарийб 10 миллиард сўм маблағни тежаш имконини берди. Солиқ юкини камайтириш борасида кўрилган чоралар туфайли давлат бюджетига тўпланаётган киримлар, яъни фискал чегирмалар 22,6 фоизгача қисқартирилди.

Бундай чора-тадбирлар юртимизда тадбиркорлик муҳитини янада кенгайтириб, хусусий секторнинг иқтисодиётда тутган ўрнини юксалтирмоқда. Шунга қарамай, бу жараённи замонга мос равишда такомиллаштириш юзасидан доимий изланишлар олиб бориляпти. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда оптимал солиқ юкини ўрнатиш, бевосита ва билвосита солиққа тортиш ҳамда соддалаштирилган солиқ солиш тизими масалалари шулар жумласидандир.

Тадбирда мажбурий тўловларга оид қонунлар ижросининг амалий жиҳатлари, комиссион ва оддий ширкат шартномаларини бажаришда солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари борасида фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

БАЙРАМ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ, ДАРЁ, ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАРМОҚ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ, УЛАРНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТМОҚДА.

Ўтган йилнинг ўзида кенгаш ташаббуси билан тармоқ касаба уюшмалари ўртасида кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Тармоқ касаба уюшмаси ўзининг 70 йиллик санаси муносабати билан «Транспортчиларимиз — бизнинг таянчимиз» деган мавзуда байрам дастурини тайёрлади.

Аҳмад АСҚАРОВ

Ўз-ўзи ўртаниб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Бир неча нарса борки, амалга оширмаса фойда бўлмайди: айтилган сўз бажарилмаса ундан наф йўқ, тирикчилик учун фойдаланмаса, тўпланган бойликдан фойда йўқ, ўртада тенглик ва холислик бўлмаса қилинган суҳбатдан фойда йўқ, соғлиқ ва саломатлик бўлмаса ҳаётдан фойда йўқ.

Аҳмоқликка даво бўлмайди, унинг ёлғиз давоси ўлим.

Бадфеъл одамда роҳат йўқ.

Яхшилик қилганга ёмонлик қилишдан кўра разилроқ пасткашлик йўқ.

Илм эгаллаш йўлида маҳкам туришдан кўра яхшироқ иш йўқ. Чунки илм кишини иззат ва шарафга етказадиган воситадир.

Ҳасадчининг тинчи йўқ.

ҚАРИНДОШЛАР БИЛАН МУОМАЛА ОДОБИ

Бошқаларга нисбатан сенинг ҳурматинг ва муҳаббатингга сазоворроқ бўлган кишилар—булар қариндошларингдир. Чунки қариндошлар ота-онадан кейин сен учун энг яқин бўлган зотлардир.

Қариндошларинг худди ота-онанг каби сени севишади, сенинг бахтиёр бўлишингни хоҳлашади, ҳамиша тинч ва роҳатда яшашингни орзу қилишади. Сен уларнинг катталарига ота-онангга қандай яхши муомала қилган бўлсанг, худди шундай муомала қил, кичикларини эса ўз акаукаларинг ва опа-сингилларинг қаторида тут.

Қариндошларингнинг ҳаммасига муҳаббат кўзи билан боқ, «қариндошим-ку, барибир мендан кечиб юборишмайди», деб уларга совуқ муомала қилма, чунки орада муҳаббат бўлгандагина қариндош бўлади. Қариндошлик муҳаббатга муҳтождир. Орадан муҳаббат кетдими, қариндошлар бир-биридан узоқлашади ва ётларга айланади.

Қариндошларингдан бирор кимса касал бўлиб қолса, ундан ҳол сўрашга боришни орқага сурма, ғамли ва шодлик айёмларида бирга бўл, уни адо қилиш учун бутун кучинг билан ишга кириш.

Сен ўз қариндошларингни улуғласанг, уларга нисбатан шафқат ва марҳаматингни ишга солсанг, уларга ихлос қўйиб муҳаббат билан яшасанг, энг чиройли хулқлар ва кўркам муомаларни амалга оширсанг, шундагина сен қариндошчилик бурчига амал қилган бўласан.

Сен қариндошларингнинг барчасига ҳам севимли бўлишга интил, уларга фойда ва наф етказиш йўлини ўйла, бемаъни хулқ-ахлоқинг билан уларнинг нафратларини келтирадиган ишларни қилма, ўз ёмон кирдикорларинг билан уларнинг кўнгилларига ғам солма.

Мана шу қилинган насиҳатларга амал қилган кишининг қариндошлари уни иззат этади, яхши кўради, ҳар ишда ёрдам қўлини чўзади, яхши ном ва яхши сифатлар билан тилга олади. Агар сен шу қоидаларни ишга солсанг, кейинчалик ҳам қариндошларинг сени мақтаб юришади, яхшиликларингни зикр этишади, чиройли хулқларинг ва меҳрибончиликларингни айтиб, руҳингни шод қилишади.

ҲИКМАТЛАР

Уч нарса кишини қийнаб, заифлаштиради. Улар: бахил билан бирга яшаш, тепса-тебранмас киши билан улфат бўлиш, бажарилиши узоққа чўзилган ваъда.

Сен ризқни қидирсанг, у ҳам сени қидиради.

Чақимчининг иши бир онда тугайди, аммо фитнаси узоқ давом этади.

Ҳасадчига азоб шарт эмас, чунки у сенинг шодлигингни кўрганда ўз-ўзидан азобланаверади.

ОТА ҲАҚИДА

Фарзанд ота насиҳатларига қарши иш тутдими, демак ўша кундан бошлаб ота дили ранжийди, муҳаббати эса камайиш сари юз тутади.

Ота сўзларини ерда қолдириш қанчалик кўпайган сари, ота меҳри боладан шунчалик қола бошлайди. Бундан хабардор бўлган ён-атрофдагилар, қавму қариндошларинг ҳам шу ёмон фарзандлардан ихлослари сўнади. Ота ўз фарзандларини қанчалик севса, шу фарзанд одамлар орасида шунча ҳурмат топаверади. Аксинча бўлса, одамлар: «Агар бу фарзанд яхши бўлганда эди, отаси уни ёмон кўрмасди», деб айтадилар.

Ота ҳурматини қозонган фарзанд ўз тенгдошлари орасида ҳам қадрли бўлади, катта бўлганда эса одоб ва ҳусну хулқда одамлар ичида эътиборли бўлади. Натижада ҳаёт ҳам ширин ва тотли бўлади.

Ўзинг назар сол, отасининг ҳурматига сазовор бўлган фарзанд қанақа-ю, ота насиҳатларини қулоққа олмай, тортишадиган, отасини хафа қиладиган фарзанд ҳаёти қандай?

Отанинг айтган ҳар бир сўзи ўз фарзандига яхшиликни кўзлаб айтилган бўлади, унинг келажакда яхши одам бўлишини хоҳлаб сўзланган бўлади. Мушфиқ, меҳрибон, раҳмдил, ўз отасини норизо қилган фарзандни нима деб аташ мумкин?! Уни: «Ҳайвондан ҳам баттар», деб аташ мумкин холос.

Фарзандниг отасига нисбатан амал қилиши керак бўлган одобларидан бири шуки, ўз отасига камтарликни ифодаловчи ва ҳурматни изҳор этувчи лойиқ сўз билангина мурожаат этади. Ота олдида ниҳоятда одоб билан ўтиради. Ота овозига нисбатан ўз овозини баланд қилиб гапирмайди. Мазкур сифатлар ёқимсиз сифатлар бўлиб, кишида ҳаё камлигига далолат қилади.

Сен ўтирган пайтингда отанг кириб келса, сен дарҳол оёққа тур, очиқ юзлик ва хурсандчилик билан қаршила, салом беришга шошилки, салом киши адабини ўлчайдиган мезондир.

Ота-онанг қариб қолганда уларга ҳар томонлама ёрдам қил, айтганларини бажо келтир. Чунки сен ҳам куни келиб қарийсан, сен ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларинг ҳам сенга худди шундай муомала қилади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Сўранг, жавоб берамиз

МУСТАҲКАМЛИК ОМИЛИ НИМАДА?

Ҳурматли таҳририят! Оила мустаҳкамлиги кўпроқ нимага асосланади, деган савол мени жуда қизиқтиради. Чунки севги-муҳаббатга асосланади десак, бундай оилаларнинг кўпчилиги узоққа бормай бузилиб кетади. Ота-оналар ёрдамида қурилган оилаларда ҳам ҳамиша ришталар мустаҳкам бўлади, дейиш қийин. Сизлар нима дейсизлар?...

Суннат Тожибоев,
Зангиота тумани.

Албатта бу ҳақда қатъий равишда бирон ҳукм чиқариш қийин. Лекин кўп нарса никоҳдаги эр-хотин ҳамда унинг атрофидаги муҳитга боғлиқлиги аниқ. Одамлар фикрига келсак, Monitoring.ru ўтказган социологик тадқиқотлар натижасини келтириш мумкин.

Оила мустаҳкамлиги:
Севги-муҳаббатга асосланади – 28 фоиз
Фарзандларга боғлиқ – 19 фоиз
Пулга боғлиқ – 17 фоиз
Кўникиш, одатга боғлиқ – 17 фоиз
Дўстлик ришталарига боғлиқ – 7 фоиз
Ноилożликка боғлиқ – 3 фоиз
Бошқа омилларга боғлиқ – 9 фоиз

Кўриб турганингиздек, бу борада ягона қатъий фикрнинг ўзи йўқ...

САМОЛЁТДА ТЕЗ-ТЕЗ УЧИШ ЗАРАРЛИМАСМИ?

Сиёсатчилар, дипломатлар ва катта тижорат кишилари турли музокаралар, учрашувларда қатнашиш учун самолётдан тез-тез фойдаланишларига тўғри келади. Доимий шундай парвозлар саломатликка зарар қилмайдими?

Исматилла Фузаилов,
Бектемир тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди, шифокор О. Содирхонов фикрига кўра, самолётларда учиш вақтида инсон танаси суюқликларни одатдагидан тезроқ йўқотади, сўлак безлари қуруқшайди ва шундан келиб чиқиб, ҳаммаёғи берк салондан чиқиб кета олмайдиган ҳар турли микробларнинг оғиз ва томоқ орқали киришига йўл очилади. Натижада тумов, томоқ қуриши ва оғриғи пайдо бўлиши мумкин. Конъюктивит кўз касаллиги хуруж қилиши ҳоллари бўлади.

Мабодо, енгил шамоллаш билан йўлга чиқилса, самолёт кўтарилиши ва пасайиши вақтида босимнинг кескин ўзгариши оқибатида инфекция ўрта қулоққа "оқиб ўтиши" ва уни яллиғланишга олиб келиши мумкин. Яна бир неча соат давомида креслода қимирламай ўтириш натижасида тромб ҳосил бўлиши ва у ёрилиши ҳоллари ҳам бўлади. Бу эса ўпка артериясида тиқин пайдо қилади.

Баъзан бир йўла 3–4 бор узоқ парвоз қилишларига тўғри келадиган давлат раҳбарлари самолётларида махсус дам олиш салони мавжуд. Улар учадиган самолётларда спиртли ичимликлар ичилмайди, чекиш мутлақо ман этилган.

ҲАР ҚАЙСИ ЮРТДА — ЎЗГАЧА ТАРТИБ

АҚШда дўстим ишлайди. У юртимиз мевалари сотилганини айтганди. Лекин алоқа бўлимида мен жўнатмоқчи бўлган меваларни қабул қилишмади. Шу тўғрими ёки бу сансалорлик тўсиғидан бошқа нарса эмасми?

Икромжон Олтинбоев,
Яккасарой тумани.

Республика алоқа хизмати мутасаддиларининг билдиришларича, ҳар бир мамлакат почта хизматининг ўз қоидалари мавжуд. Чунончи, АҚШ ҳар қандай дорилармонлар, косметика ашёлари, мева ва сабзавотлар, балиқ ва барча спиртли ичимликларни мамлакатга олиб киришни ман этган.

Германия вино, гўшт маҳсулотлари, парранда патларини, оқ ёки сариқ рангли фосфорли гугуртларни қабул қилмайди. МДҲ мамлакатлари ўртасида энг инжиғи Украина ҳисобланади. Лекин таркибида спирти бўлган ичимликдан 1 литргача ҳамда 2 литр вино жўнатиш мумкин. Сигаретлардан ҳам кўпи билан икки блоки қабул қилинади.

Кейинги вақтларда террорчилик ҳаракатлари туфайли почтада соатни қабул қилмасликлари мумкин (у бомбага ўхшаб чиқиллаб тургани учун). Шунингдек, атирлар ва аэрозол баллончаларидаги дезодорантлар ҳам қайтарилиши мумкин.

Умуман, алоқа бўлимларида Почта уюшмаси халқаро бюросининг жўнатиладиган нарсалар нормалари тўғрисидаги маълумотлари билан танишиш имконияти бор. Қоидага кўра почта ходимлари жўнатма таркибини кўриб чиқишлари мажбурийдир. Мамлакат ичида фақат бирор шубҳа туғилган тақдирдагина яшик ичини очишни илтимос қилишади.

Сергели тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими участка инспектори Анорбоев Комилжон Уткуровичга берилган МС2 шаклидаги 481056, 481061-481075 гача сонли патта квитанциялари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 45-лицей мактаби томонидан Салимов Улуғбек Равшановичга1995 йилда берилган № 025528 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОАЖ «Сувсаноатмаш» корхонаси жамоаси ушбу корхона ходими

Ваҳоб Турдонович ТОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради

Футбол

КУЧЛИЛАРГА ОМАД ЁР

АФРИКА ФУТБОЛИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА. БУНИ ГЕРМАНИЯДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН XVIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ БАҲСЛАРИ ҲАМ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАМОҚДА.

Португалия — Ангола баҳсини томоша қилаётганимизда хаёлимиздан беихтиёр юқоридаги фикрлар ўтди. Дарҳақиқат, таркиби жиҳатидан Португалия термаси турнирнинг кучли жамоалари қаторига кирса-да, чемпионатда илк бор қатнашаётган англолалик футболчилар номдор рақибларига асло бўш келишмади. Португалия жамоасининг «юраги» бўлмиш Луиш Фигунинг ёши анча улуғ бўлса-да ажойиб спорт формасида эканлиги, команда таркибида Паулета сингари сермаҳсул ўйинчилар тўп суришига қарамай, юқоридаги беллашувда англолаликлар ҳам хавфли ҳужумлар уюштириб туришди. Бироқ, 4-дақиқада Паулета томонидан киритилган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди ва португалиялик футболчилар дастлабки уч очкога эга бўлишди.

Қеча E ва F гуруҳларида тўп сураётган жамоалар ўзаро куч синашишди.

Дастлаб майдонга Австралия ва Япония терма жамоалари тушди. Рақиблар кучининг нисбатан тенглигини Австралия икки, Япония эса уч марта жаҳон чемпионатларида қатнашганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Қизиғи шундаки, Австралия футболчилари фақат Германияда ўтказиладиган чемпионатларда қатнашганлар. Маҳорат жиҳатидан кўпчилик япон футболчиларини устун деб ҳисоблаётган, ўтган чемпионатда нимчорак финалга чиққан кунчиқар мамлакат чарм тўп усталарининг қўллари баланд келади деб ўйлашаётганди.

Ўйин бошларида австралияликлар етакчиси Марк Видука иккита кетма-кет зарба билан рақибларни бир оз саросимага солиб қўйган бўлса-да, сўнг осиёликлар ҳужумкор ўйин кўрсатишди. 26 дақиқада Сусуки Накамура жарима тўпини узатганида тўп рақиблар дарвозабони ва ҳимоячиларининг қўпол хатосидан сўнг ҳеч кимга тегмасдан тўғри тўрга тушди. Ва биринчи бўлим шу кичик ҳисобда тугади.

Иккинчи бўлимда австралияликларнинг тажрибали бош мураббийи Гус Хиддинк ҳужумни кучайтириш мақсадида иккита ўйинчини муваффақиятли алмаштирди. Натижада Австралия футболчиларининг ўйини қовушиб, Тим Кейхел 84-дақиқада ҳисобни тенглаштирди. Сўнг қолган олти дақиқа ичида Жон Алинзе ва Кейхелнинг ўзи яна иккита чиройли тўп киритиб, (уларнинг иккаласи иккинчи бўлимда майдонга тушди) қизиқарли учрашувнинг 3:1 ҳисобида Австралия футболчиларининг ғалабаси билан тугашига замин яратишди.

АҚШ ва Чехия ўйинида эса мухлису мутахассислар таркибида Колер, Недвед, Расицки, Побороки каби футбол юлдузларига эга чехларнинг ғалаба қозонишини кутганда. Ва Чехия футболчилари енгил ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб барча ишқибозларни хурсанд қилишди. Голни ҳам узоқ кутишга тўғри келмади. 5 дақиқада жарима майдони марказига оширилган тўпни Ян Колер боши орқали кучли ва аниқ зарба билан дарвоза тўрига тушириб, ҳисобни очди. Колер жароҳати туфайли майдонни тарк этганидан сўнг моҳир ярим ҳимоячи Томаш Расицки ташаббусни ўз қўлига олди. 35-дақиқада у чамаси 30 метрлардан қайтариш қийин бўлган жуда кучли ва аниқ зарба берган ҳолда ҳисобни 2:0 га етказди. Иккинчи бўлимда ҳам Чехия футболчилари суръатни бўшаштиришмади. 74-дақиқада Расицки учинчи тўпни киритиб, терма жамоасининг 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабасини таъминлади.

Ниҳоят Ганновердаги стадионда ўтказилган охирги ўйинда Италия ва Гана терма жамоалари ғалаба учун кураш олиб боришди. Ушбу ўйинда ҳам италияликлар етакчи жамоа ҳисобланишига қарамай африкалик футболчилар энг яхши жиҳатларини кўрсата олишди. Вақти-вақти билан хавфли ҳужумлар уюштириб туришди.

40-дақиқада Италия термасининг ярим ҳимоячиси Пирло кучли зарба билан тўпни ўнг қуйи бурчакка жойлаган ҳолда ҳисобни очди. Иккинчи бўлимнинг 83-дақиқасида италиялик футболчилар бўш қолган дарвозани забт этишиб, 2:0 ҳисобидаги ғалабани қўлга киритишди.

Бугун ишқибозлар ниҳоят Бразилия терма жамоасининг маҳоратидан баҳраманд бўлишади. Жанубий америкаликлар Хорватия термаси билан куч синашишади. Шунингдек, ишқибозлар Франция — Швейцария, Жанубий Корея —Того учрашувларини ҳам томоша қилишлари мумкин.

Дилдош ИСРОИЛОВ



Тадбирлар

ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ЁЗНИ КАМОЛОТ БИЛАН!» АКЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН БЎЛИБ ЁШЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ЧИЛОНЗОР ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН, ЯҚИНДА МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ ЎРТАСИДА ЛОЙИҲАГА ДОИР «КЎЧМА ОММАВИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ» ЎТКАЗИЛДИ.

«Дўмбиробод» номли болалар мажмуасига «Наққошлик», «Катта Дўмбиробод», «Кичик Дўмбиробод» номли маҳаллалардан 200 га яқин болалар йиғилдилар, улар спортнинг қувноқ эстафета, арғамчида сакраш, шахмат, шашка, арқон тортиш, футбол, боулинг, бадминтон ўйин турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Қизлар алоҳида ёшига қараб, болалар алоҳида командаларга бўлиндилар. Уларга Чилонзор туман «Камолот» етакчилари, сардорлари бошчилик қилдилар.

—Болаларнинг ўйинларини кўриб ҳаяжоним ошиб кетмоқда,— дейди «Наққошлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Светлана Қосимова. —Агар шу каби тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса нур устига аъло нур бўлар эди. Ёшларимизнинг бўш вақтлари унумли ўтиши билан бирга уларнинг соғликларида ҳам муаммолар туғилмасди. Зеро, жамиятимиз ҳамиша доркун, баркамол, соғлом ёшлар билан истиқболлидир.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг таътиллари мароқли ўтиши учун туман «Камолот» ЁИҲ сардори етакчилари Наргиза Азизова, Ирода Қаймурова, Дониёр Тожибоев, болаларнинг доимий йўлбошчиси ва ҳамроҳи. Улар болаларнинг бўш вақтларини бекор ўтказмаслик, уларни турли хил ўйинларга, мусобақаларга жалб этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Спорт ўйинлари ғолиблари Исмоил Жўраев, Бобур Орифхўжаев, Шерзод Зокиров, Рамзиддин Элаганов махсус «Ёзни «Камолот» билан!» Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Бошқа фаол иштирок этган болажонларга «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими томонидан турли хил совғалар топширилди.

Тадбир наинки ёшларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам ҳақиқий байрамига айланиб кетди.

Улуғбек ПАРМОНОВ,
туман етакчилар кенгаши юрист - консультанти
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа .

Ҳукм ўқилди

ВИЖДОН АЗОБИ ҚИЙНАРМИКАН?

Ботиржон эрталаб мактабга кетаётганида онаси дам олаётганди. «Майли ухлайверсин, — деди у ичида, — кеча Ҳиндистондан қайтди. Мактабдан қайтиб келгач, кўришиб, сўрашарман».

Аммо ўқитувчининг жон куйдириб ўтаётган дарси, ўртоқларининг одатдаги қувноқликлари ҳам унинг кўнглида уйғона бошлаган хижилликни йўқота олмади. Негадир юраги ғаш бўлаверди. Шу боис дарси тугар-тугамас уйга югурди.

—.Онам уйдаларми? — деди эшик очган синглисига.

Лайло акасидаги тараддуд ва ҳаяжонни кўриб бироз ҳайратланди. Сўнгра:

— Мен ҳам ҳайрон бўлиб турибман. Дарсдан келсам йўқ эканлар. Негадир хоналаридаги нарсалари сочилиб ётибди, — деди.

Афсус, бу болажонлар ўшанда орадан неча кунлар ўтиб, суюкли онажонисининг жасади шундоққина диван тагидан чиқишини хаёлларига ҳам келтира олмаган эдилар.

...Бибисора (исми ўзгартирилди) эри билан ажрашганидан сўнг ўзини савдога урди. Эҳтимол, у йиллар давомида дилида чўкиб ётган ҳаёт ташвишларини меҳнат билан енгиллаштиришга ҳаракат қилгандир. Тез орада ишлари юришиб кетди. Излаган имкон топади деганларидек, «Отчопар» бозоридан жой олишга ҳам улгурди. Бора-бора тижорат ишлари билан Туркия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари сингари хорижий давлатларга ҳам бориб-келадиган бўлди.

Шундай кунларнинг бирида у ўзидан анчагина кичик Раҳимжонни учратди. Тасодифан самолётда бўлган танишиш дақиқалари самимий суҳбатларга, самимий суҳбатлар эса орачора бўлиб турадиган борди-келдиларга уланиб кетди. Лекин тубанликнинг ҳар қандай кўринишидан тап тортмайдиган Раҳимжон Бибисора билан мол-дунё учун борди-келди қилаётганлигини у қаердан ҳам билсин. Дўст дея кўйнида илон сақлаётган Бибисора фарзандлари — Ботиржон ва Лайлони кўпинча Раҳимжонга ишонарди. Сафарга кетадиган бўлса нуридийдаларини унинг ихтиёрига топшириб кетарди.

Мудҳиш қотиллик содир бўладиган ўша куни Раҳимжон дўсти Комил (ҳозирда бу шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлиб, ИИВ ходимлари томонидан қидирилмоқда) билан роса «отишди». Ҳаддан зиёд спиртли ичимлик истеъмол қилиб юборган Комил «мастлик-ростлик»дан фойдаланиб, қачонлардир берган 125.000 сўм миқдоридаги қарзини сўради.

— Агар бир иш қилсак сен ҳам, мен ҳам анча-мунча пулли бўлиб қолардик, сендан олган қарзимни ҳам узардим, — деди Раҳимжон ширакайф кўзларини сузганича. Сўнгра дўстининг қулоғига шипшитди: — Бир тадбиркор танишим бор, ўшани гумдон қиламиз, тамом-вассалом... Милиционер бўламиз-қўямиз.

Раҳимжон дўсти Комил билан Бибисора истиқомат қиладиган Сергели тумани, Сергели -8 даҳасидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ҳонадонига етиб келганида соат кундузи 10.00 лар бўлганди. Йўлда улар «Паркент» бозорига тушиб, кўк рангли суньий матодан тайёрланган арқон, икки жуфт резина қўлқоп ҳам сотиб олдилар. Бўлғуси қотиллар ўша ернинг ўзидаёқ арқондан сиртмоқ тайёрлашга улгуришганди.

— Бу ўртоғим, — дейди Раҳимжон хонадон соҳибаси эшикни очиб, салом-алик қилгач, — Материалларингизни кўрмоқчи. Агар ёқса хотинига кўйлаклик олмоқчи...

— Майли киринглар, — дейди Бибисора ҳеч нарсадан бехабар.

Не ажабки, у ўз қотилларини ўз хоҳиши билан уйига бошлаб кираётганди... Орадан кўп ўтмай Бибисора икки ҳирсдай йигитнинг қўлида қурбон бўлади. Уларни меҳмон, қолаверса мижоз сифатида қарши олган аёл бўғиб ўлдириш билан «тақдирланган» эди. Қотиллар ҳали танаси совиб улгурмаган марҳуманинг жасадини судраб олиб келишади-да уй ичида жойлашган диван тагига тиқиб қўйишади. Сўнгра уй соҳибасига тегишли бўлган 15.000 АҚШ доллари, 10.000 евро, 30.000 Қозоғистон тенгеси, 6.000.000 сўм, нархи 325.062 сўм бўлган «LG» русумли уяли алоқа телефон аппарати, умумий қиймати 487.593 сўм бўлган 5 дона тилла узук, ҳар бири 100.000 сўмдан иборат 4.000.000 сўмлик 40 дона ҳинд аёллари киядиган «сари» кўйлакларини олиб, воқеа жойидан яширинишга уринадилар.

...Ботиржон онасини кун бўйи «Отчопар»дан қидиради. Танишбилишларининг биронтаси кўрдимбилдим демади. Кўнглига ғулғула, кўркув тушган ўғил кечқурун бувасининг уйига — Қозоғистонга қўнғироқ қилади. Тунни кўркув ва ҳадик исканжасида ўтказган болалар эрталаб тоғаси ва келинойисининг ташрифидан кўнгиллари кундай ёришиб кетганди. Шу куни вазият ҳар томонлама таҳлил этилгач ички ишлар идораларига мурожаат этиш зарурлигига қарор қилинади.

Бироқ Бибисорани қидириб топишга қаратилган икки кунлик ҳаракат қумга сингандек эди. Эртаси куни Ботиржон холасининг уйига қўнғироқ қилмоқчи бўлиб, онаси ётадиган хонага кирди-ю аллақандай ҳиддан кўнгли айниди... Диван ўтирғичини бориб кўтаргач эса онасининг қопқора, зулукдек сочларини кўриб, ҳушидан кетади...

Жиноят жазосиз қолмайди. Икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказаётган тадбиркор аёлнинг ҳаётига зомин бўлган Р.Турдиалиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «и.п» бандлари билан айбдор деб топилиб 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Қадимда юнонлар кимнингдир жонига қасд қилган одамни Олимп тоғларига бир умрлик сургунга юборишаркан. Араблар қотиллик содир этган жиноятчини тўрт пора қилишган... Шу маънода бугун башариятнинг ижтимоий онги ўзгаришга юз тутган бир пайтда ожиза аёлнинг ўлимига сабабчи бўлган қотиллар ВИЖДОН азобидан қўрқмадилармикан?

Саодат МИРСАГАТОВА,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист



Бокс бўйича жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров ўзининг бой маҳоратию катта тажрибаси билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган моҳир чарм қўлқоп усталари қаторига киради. Ҳозирда Ўткирбек навбатдаги халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда.

СУРАТДА: Ўткирбек Ҳайдаров (чапда) мураббийси Андрей Размахов билан машғулот пайтида.

Алексей Попов олган сурат

Мунажжим башорати

ҚАТЪИЯТЛИ, ДАДИЛ БЎЛИНГ

14 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

ЖУДА ФАОЛ КУНЛАРДАН БИРИ – БУГУН ҲАР ҚАНДАЙ ИШДА ҚАТЪИЯТ ВА ДАДИЛЛИКНИ НАМОЁН ЭТИШ КЕРАК БЎЛАДИ. КЎП УХЛАШ МУМКИН ЭМАС, АКС ҲОЛДА ЎЗИНГИЗНИ ХАСТА ВА ҲОРҒИН ҲИС ЭТАСИЗ. ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ, САФАРЛАР ВА САЁҲАТЛАРГА ЙЎЛ ОЛИШ МУМКИН.

Бугун атрофингизда нималар содир бўлаётгани, ҳаётингизда кимлар пайдо бўлиши, нималар сизни ўзига ром этишига эътибор қилинг. Буларнинг ҳаммаси шу куни бизнинг ҳақиқий юзимизни кўзгудагидек очиб беради. Сизда хом хаёллардан, адашишлар ва ёмон одатлардан халос бўлишнинг яхшигина имконияти пайдо бўлиши мумкин.

Шу куни туғилганлар бирон ишга мустақил уринишлари тавсия этилмайди. Зеро, бугун улар ўз худбинлик туйғуларини енгишлари, ўз устозларини топишлари керак. Шундагина маънавий камолот сари йўл тутилади. Кўпчилик мутафаккир устозлар шуни маслаҳат беришган.

Бугун сизнинг ҳимоянгизга болалар энг кўп муҳтож бўлишларини эсда тутинг. Уларга меҳрибонлик кўрсатиб, ёлғиз қолишларига йўл қўйманг. Бугун ҳаммом қилиш ва уқалатиш фойдали. Айниқса рўза тутиш саломатлигингиз яхшиланишига хизмат қилади.

Турли аломатларга бугун ҳушёр қараш керак: айниқса шамол, калит, паррандалар ва исмлар билан боғлиқ белгиларга эътибор қилинг. Бир неча бор тасодифан эшитган исмингиз сиз учрашадиган киши ҳақида огоҳлантириш бўлади.

Бу кеча кўрилган тушлар пуч бўлади. Шунинг учун уларга эътибор қилиб ўтирмаганингиз маъқул.

Асаб тизими, шунингдек оёқ бўғимлари аввалгидай заиф ҳолатда бўлади.

Кийимлардан оқ, сариқ, зарғалдоқранг ва қизил туслиларига устуворлик бериш керак. Бошдан-оёқ янги ва тоза либослар кийиш нур устига аъло нур бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар

ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланасангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6